




# ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА БЎЙИЧА АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

USAIDнинг Ўзбекистондаги  
Ҳуқуқий ислохотлар дастури  
доирасида тайёрланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида ишлаб чиқилган



- 
- **КИРИШ**
  - **АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР**
  - **I БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**
    - Гендер-ҳуқуқий экспертиза нима учун керак?
    - Гендер-ҳуқуқий экспертизанинг мақсади
    - Гендер-ҳуқуқий экспертизанинг вазифалари
    - Гендер-ҳуқуқий экспертиза объекти ва субъектлари
  - **II БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ**
    - Мажбурийлик, Қонунийлик, Мустақиллик, Объективлик, Комплекс ёндашув
  - **III БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАЛАБЛАРИ**
  - **IV БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА БОСҚИЧЛАРИ**
  - **V БОБ. ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ**
    - Иловалар (жадваллар, диаграммалар)




Равенство




Справедливость



Кўриб чиқилаётган НХХлар ва уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси мамлакатимиз томонидан белгиланган тартибда эътироф этилган халқаро шартномаларга, шунингдек, аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш;



НХХлар ва уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларининг гендер тенглиги тамойилларининг ҳар бирига (тенг ҳуқуқлар, тенг жавобгарлик, тенг мажбуриятлар ва тенг имкониятлар) мувофиқлигини таъминлаш. Шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий, меҳнат ва бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солишда тенг ҳуқуқлилика эришишга қаратилган, лекин жинси бўйича камситувчи ҳисобланмайдиган меъёрлар ва вақтинчалик махсус чора-тадбирлар ҳисобга олиниши керак;



НХХ матнида ва унинг лойиҳасида атамаларнинг бир хилда қўлланилишини текшириш, турли талқинларга йўл қўймаслик.

# Кўриб чиқиладиган НХҲлар ҳамда уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини ўрганиш

- **Конституциянинг 18-моддаси:**
- “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.
- имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиши мумкин ва ижтимоий адолат тамойилларига мос келиши керак”
- **Конституциянинг 46-моддаси:**
- аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидир



Кўриб чиқилаётган НХҲ нормалари ва қоидалари ҳамда уларнинг лойиҳаларини “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлигини ўрганиш

- 6-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш кафолатлари
- Давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлиликини кафолатлайди.
- Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди.
- Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилади.

## Кўриб чиқиладиган НХҚлар ҳамда уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларини Ўзбекистон Республикаси томонидан белгиланган тартибда эътироф этилган халқаро шартномаларга мувофиқлигини ўрганиш

- ▶ БМТ Низоми (1945йил) ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан (1948 йил)
- ▶ Ўзбекистон Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил)
- ▶ “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция (1952 йил)
- ▶ “Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция (1965 йил)
- ▶ “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси (1979 йил)
- ▶ Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси (1995йил)



# БМТнинг 2030 йилгача бўлган глобал кун тартибидagi барқарор ривожланиш мақсадлари

- ▶ ҳамма жойда аёллар ва қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш
- ▶ аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари, шу жумладан одам савдоси, жинсий ва бошқа эксплуатация шакллари йўқ қилиш
- ▶ эрта ва мажбурий никоҳларни бартараф этиш
- ▶ миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, тўловсиз парвариш ва уй ишларини тан олиш ва қадрлаш, коммунал хизматлар, инфратузилма ва ижтимоий хавфсизлик тармоқларини таъминлаш, уй ва оилада умумий масъулият тамойилини тарғиб қилиш
- ▶ аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишининг барча даражаларида тўлиқ ва мазмунли иштирокини ҳамда етакчилик учун тенг имкониятларни таъминлаш
- ▶ кенг қамровли репродуктив саломатликни сақлаш учун универсал тиббий қамровга эришиш
- ▶ хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришда уларни қўллаб-қувватлаш дастурларини кенгайтириш
- ▶ аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш учун юқори таъсирли технологиялардан, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни икки баравар ошириш
- ▶ турли даражадаги давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига гендер тенглиги тамойилларини тўлиқ интеграция қилиш

**Кўриб чиқиладиган НХҚлар ҳамда уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларини аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш**

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-60-сон қарори билан тасдиқланган 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (69-мақсад – Аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш)**
- **2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш Стратегияси**

## 2-талаб

- НХҚ ва уларнинг лойиҳалари нормалари гендер тенглиги тамойилларининг ҳар бирига (тенг ҳуқуқлилик, тенг жавобгарлик, тенг мажбуриятлар ва тенг имкониятлар) мувофиқлигини таъминлаш.
- Шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий, меҳнат ва бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солишда тенг ҳуқуқлиликка эришишга қаратилган, лекин жинси бўйича камситувчи ҳисобланмайдиган меъёрлар ва вақтинчалик махсус чора-тадбирлар ҳисобга олиниши керак

## 3-талаб

- НХҲ матнида ёки унинг лойиҳасида турли талқинларни истисно этувчи атамаларнинг бир хилда ишлатилишини текшириш
- 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган “Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунига илова қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти”



# ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш

Ишлаб чиқувчи

Адлия вазирлиги



Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш

Ваколатли орган

Адлия вазирлиги

## Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизаси қуйидагиларни ўз ичига олади:



тартибга солинадиган соҳадаги вазиятларни прогноз қилиш ва агар НҲҲ лойиҳаси қабул қилинадиган бўлса, турли жинс вакиллари учун турли хил оқибатларга олиб келадиган нормалар ва қоидаларни аниқлаш



НҲҲ лойиҳасини қабул қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни узоқ муддатли баҳолаш



тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш

# Меҳнат кодекси мисолида аёлларга нисбатан билвосита камситиш ҳолатлари

- **6-модда. Меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг тақиқланиши**
- Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.
- Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.
- Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

## 78-модда. Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмаслиги

Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди. Қуйидагилар ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланади:


ушбу Кодекс 6-моддасининг биринчи қисми талабларининг бузилиши;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни — тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб) ишга қабул қилмаслик;

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асослантилган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

## 92-модда. Бошқа доимий ишга ўтказиш


- Бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) — унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.
- Агар объектив сабабларга кўра (100-модда иккинчи қисмининг 1, 2 ва 6-бандлари ва 106-модданинг 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бир мунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса, — корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.



**XIV БОБ. АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОДИМЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА  
КАФОЛАТ ВА ИМТИЁЗЛАР**  
**1-§. АЁЛЛАРГА ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ  
ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР**  
**(224-237 моддалар)**

Гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир  
вақтинчалик махсус чоралар

Стереотиплар



**Гендер-ҳуқуқий экспертиза  
ўтказишда фойдаланиладиган  
маълумотлар расмий ва  
норасмий бўлиши мумкин.**

### **Расмий маълумотлар:**

- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
- Халқаро шартномалар
- Расмий нашрлар, шу жумладан Интернет глобал ахборот тармоғининг расмий веб-ресурслари



### **Норасмий маълумотлар:**

- оммавий ахборот воситалари хабарлари;
- илмий нашрлар;
- Интернетнинг норасмий веб-ресурслари

# Иловалар



- Хорижий мамлакатларда қўлланиладиган гендер-ҳуқуқий экспертиза терминологияси
- Бевосита гендер камситишларини аниқлаш учун саволлар рўйхати (чеклист)
- Билвосита гендер камситишни аниқлаш учун саволлар рўйхати
- Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида гендер муаммоси қай даражада кўриб чиқилганлигини аниқлаш учун ТЕКШИРИШ РЎЙХАТИ
- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш тартиби схемаси
- Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш схемаси
- Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизаси ХУЛОСАСИ



**Эътиборингиз учун  
рахмат!**